



2020 йил « 29 » январь 15 – Қ - sonli

Samarqand sh.

Самарқанд вилоятида 2020 йилда давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкени ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2009 й., 15-сон, 186-модда) қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 1752/03-13-сонли хати билан тақдим этилган Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва Молия вазирликлари ўртасида келишилган 2020 йилда давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қуйидагилар:

Самарқанд вилоятида 2020 йилда давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага; ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Самарқанд вилоят давлат мулкени ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси (Б.Пайшанов)га:

давлат мулкени ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш; ижарага берилган давлат мулкени ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш; ижарага берилладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;

ижара объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилаётган давлат мулклари рўйхатларини даврий нашрларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активлари бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ва Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаларининг веб-сайтларига жойлаштирилишини таъминлаш топширилсин.

3. “Самарқанд вилоят давлат мулкани ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси (Б.Пайшанов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Ахмедов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳудудларда ижара муносабатларини тартибга солиш, ижарага берилаётган давлат мулки ҳисоботини тўғри юритиш ва бюджетга қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида давлат мулкани балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш самарадорлигини ошириш ва ташкиллаштиришда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйсин.

4. Вилоят ҳудудида 2020 йилда давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси белгилансин.

5. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби (Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси (Анваров) мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимининг 2019 йил 12 январдаги “Самарқанд вилоятида 2019 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 16-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов



Вилоят ҳокимининг
2020 йил "29" январдаги
-сонли қарорига
1-илова

**Самарқанд вилоятида 2020 йилда давлат кўчмас мулкidan
фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари**
(бир йилга умумий фойдаланиш майдонининг 1 кв. м учун)

Т/р	Ижарага бериладиган майдондан фойдаланиш мақсади	1 кв.м учун йиллик энг кам ставка (сўмда)	
		Самарқанд шаҳри учун	Туманлар ва шаҳарлар учун
Саноат			
1	Ёқилғи саноати	7 560	6 125
2	Кимё саноати	7 560	6 125
3	Нефт-кимё саноати	7 560	6 125
4	Машинасозлик	7 560	6 125
5	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	7 560	6 125
6	Ҳисоблаш техника воситалари саноати	7 560	6 125
7	Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	6 210	5 000
8	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	6 210	5 000
9	Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший приборлар машинасозлиги	6 210	5 000
10	Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш	7 560	6 125
11	Металл конструкция ва буюмлар саноати (токарлик хизмати)	7 560	6 125
12	Машина ва ускуналарни таъмирлаш	7 560	6 125
13	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	7 560	6 125
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати			
14	Ёғочни тайёрлаш саноати	7 560	6 125
15	Ёғочни қайта ишлаш саноати	7 560	6 125
16	Целлюлоза-қоғоз саноати	7 560	6 125
17	Қурилиш материаллари саноати	7 560	6 125

Енгил саноат			
18	Тўқимачилик саноати	7 560	6 125
19	Тикувчилик саноати	7 560	6 125
20	Чарм, муйна ва пойафзал саноати	7 560	6 125
21	Ёғочдан мебел, эшик ва ромлар ишлаб чиқариш	22 680	18500
22	Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш соҳалари	7 560	6 125
Озиқ-овқат саноати			
23	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	7 560	6 125
24	Гўшт ва сут саноати	7 560	6 125
25	Балиқчилик саноати	7 560	6 125
26	Ун, ёғ ишлаб чиқариш саноати	7 560	6 125
27	Комбикорм саноати	6 210	5 000
28	Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	7 560	6 125
Саноатнинг бошқа соҳалари			
29	Табобат саноати	7 560	6 125
30	Нашриёт саноати	21 195	17 375
31	Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўйаш, ювиш ва уларга ишлов бериш	9 180	7 375
32	Саноатни хўжалик бошқариш	21 195	17 375
Қишлоқ хўжалиги			
33	Ўсимликчилик (шу жумладан, иссиқхона)1 га	3 023 460	2 469 000
34	Чорвачилик ва паррандачилик	3 645	3 000
35	Балиқчилик (шу жумладан, питомники) 1 га	3 023 460	2 469 000
36	Асаларичилик 1 га	1 965 600	1 605 000
37	Ветеринария хизмати	7 560	6 125
38	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	7 560	6 125
39	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан, боғлар) 1 га	3 023 460	2 469 000

Транспорт ва алоқа			
40	Жамоат ер ости темир йўл транспоротидан фойдаланиш	7 560	6 125
41	Автомобил хўжалиги (автожамланма, таксопарк, автостоянка, гараж ва автомойка)	7 560	6 125
42	Автомобил хўжалиги (штраф майдонлари)	1 890	1 625
43	Автомойка	24 300	17 500
44	Автозаправка	24 300	22 500
45	Аҳоли буюртмасига асосан юк ташиш ва бошқа автомобил экспедицияси	13 635	11 250
46	Почта алоқаси	7 560	6 125
47	Курьерлик алоқаси	15 120	12 250
48	Электр-кабел алоқаси	15 120	12 250
49	Радио, уяли ва пейджинг алоқаси (мослама тортқич тортилган симлар периметри бўйича, шу жумладан иншоот ва технологик ҳудудлар)	63 585	51 875
Қурилиш			
50	Қурилиш	7 560	6 125
51	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ва қидирув ташкилотлари	7 560	6 125
52	Пластик эшик ва ромлар ишлаб чиқариш	37 950	29 160
Савдо ва умумий овқатланиш			
53	Улгуржи савдо	21 195	17 375
54	Товарларни тўпламлаб (партиялаб) қилиб сотиш билан шуғулланадиган улгуржи бозорлар	54 405	44 375
55	Чакана савдо	21 195	17 375
56	Умумовқатланиш	21 195	17 375
57	Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш (фаст фуд)	33 210	25 000
58	Китоб дўконлари	2 970	2 500
59	Уй рўзғор буюмлари ва маиший буюмларни ижарага бериш	21 195	17 375

60	Халқ истеъмоли молларини олиш ва сотиш ва сотиб олишда воситачилик хизмати	33 210	27 125
61	Моддий-техника таъминоти ва сотиш	21 195	17 375
62	Ахборот-ҳисоблаш хизмати	21 195	17 375
63	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш	21 195	17 375
64	Кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар	21 195	17 375
65	Реклама, ваколатлик хизмати	21 195	17 375
66	Маркетинг тадқиқотлари, тижорий фаолият, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати	21 195	17 375
67	Геология ва ер ости бойликларини ўрганиш. Геодезия ва гидрометрология хизмати	37 800	30 750
68	Таҳририят ва нашриёт	12 150	9 875
69	Металл ва чиқиндиларни йиғиш идораси	12 150	9 875
70	Тураржой хўжалиги (ТСЖ)	12 150	9 875
71	Меҳмонхона хўжалиги	24 165	19 750
72	Ётоқхона	18 900	15 000
73	Аҳолига маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари бўйича хизмат кўрсатиш	12 150	9 875
74	Парикмахер, фотосалон, ателье пойафзал таъмирлаш устaxonалари	18 225	15 000
75	Ломбард	27 405	22 375
76	Ҳаммом	36 450	29 750
77	Сауна ва чўмилиш ҳавзаси	72 630	59 375
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий қўллаб қувватлаш			
78	Соғлиқни сақлаш	15 120	12 250
79	Дам олиш ва туризм	15 120	12 250
80	Фитобар	10 530	8 500
81	Мадани ва кўнғил очиш (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар)	24 165	19 750
82	Жисмоний тарбия ва спорт	7 560	6 125
83	Дорихона муассасалари	12 150	9 875
84	Оптика ва тиббий жиҳозлар сотиш	21 735	15 660

	дўконлари		
85	Ижтимоий дорихона муассасаси	9200	7992
Таълим			
86	Олий ва ўрта махсус таълимга эга кадрларни тайёрлаш (шу жумладан, ўқув курслари)	12 150	9 875
87	Ишчи ва бошқа ишчи ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	9 450	8 125
88	Умумтаълим болалар мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)	6 210	5 000
89	Ўқув муассасаларида умумий овқатланишни ташкил этиш	7 560	6 125
90	Мактабгача тарбия (нодавлат муассасалари учун)	5 400	4 625
91	Маданият ва санъат	21 195	17 375
92	Кўргазмалар	16 335	14 000
93	Мактабдан ташқари тарбия	6 210	5 000
94	Маданий ва дам олиш истироҳат боғлари	15 120	12 250
95	Ботаника ва ҳайвонот боғлари	15 120	12 250
96	Телевидение ва радиоэшиттириш	15 120	12 250
97	Киностудия, овоз ёзиш студияси	24 165	19 750
98	Фан ва илм-фан хизматлари	9 180	7 375
99	Ҳайдовчилик мактаблари	13 500	8 750
Молия-кредит фаолияти			
100	Молия, кредит(суғурта ва аудиторлик фаолиятидан ташқари) нафақа таъминоти	21 195	17 375
101	Аудиторлик фаолияти	21 195	16 250
102	Банк фаолияти	21 195	17 375
Бошқа фаолият турлари			
103	Суғурта	21 195	17 375
104	Суд ва ҳуқуқий хизматлар	18 225	15 000
105	Адвокатлар ҳайъати ва ҳуқуқий маслаҳатлари	18 225	15 000
106	Жамоа бирлашмаси	6 210	4 875
107	Омборхона	21 195	17 375

108	Давлат корхоналари учун идора	9 180	7 375
109	Хусусий ташкилотлари учун идора	33 210	27 125
110	Архивлаш хизмати	9 180	6 250
111	Енгил ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан, вулканизациялар)	24 165	19 750
112	Лабораториялар	15 120	12 250
113	Бошқа турдаги хизмат тўлови (пайнет)	60 750	49 500
114	Маданий мерос объекти бино иншоотларида савдо	33 210	27 125
115	Маданий мерос объекти бино иншоотларида умумийовқатланиш	29 025	23 750
116	Авиа касса (шу жумладан, темир йул, транспорт ва бошқалар)	33 210	27 125
117	Банкоматлар	302 940	247 375
118	Нон ва булочка маҳсулотларини тайёрлаш (кондитер маҳсулотлари: тортлар, пишириқлар ва бошқалар)	18 055	15 012

Изоҳ:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сон мажлис Баённомасининг 11-бандига мувофиқ мулкий шаклидан қатъий назар дорихона муассасаларининг филиаллари ҚВП биноларида фаолият кўрсатаётганлиги учун ижара ноль ставкаси қўлланилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топиригига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармасининг таркибий қисмлари учун ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар, ҳарбий қисм ва муассасалари ҳудудларида жойлашган кўчмас мулк давлат мулкидан фойдаланганда ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишига доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги 834-сон қарорига мувофиқ фойдаланилмайётган, шу жумладан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат мулки Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг шаҳар ҳамда туман кенгашларининг илтимосига кўра 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара ҳақининг “нол” ставкаси бўйича ижарага берилади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 августдаги 14/1-1959-сонли топиригига асосан, Олимпиада ўйинларида голиб ва совриндорлари учун спорт фаолиятини сақлаб қолиш шарти билан аҳоли гавжум жойларда спорт мажмуаларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг тақдимномасига асосан давлат кўчмас мулкидан ҳамда ер ажратишида ижара ҳақининг “нол” ставкаси қўлланилади.


- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 августдаги №609-20-сонли буйруғига биноан Мудофаа вазирлиги томонидан давлат унитар корхоналарига,

шунингдек Мудофаа вазирлиги тизимидаги бошқа хўжалик юритувчи, ўз-узিনি молиялаштирувчи бўлимларига бериладиган бинолар, хоналар, жиҳозлар, ускуналар, мебеллар ва бошқа мол-мулклар учун ижара тўлови “ноль” ставкада ўрнатилади.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги ПҚ-4329-сонли қарорига асосан давлат кўчмас мулкidan телекоммуникация объектларини ўрнатиш учун фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, оширувчи коэффициентларни қўлламаган ҳолда, “симли электр алоқаси”дан фойдаланиш мақсади бўйича ставкага тенг миқдорда ўрнатилади.

Ижрочи: Вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси

Э.Ашуров

“Самарқанд вилоят Давлат мулкани ижарага
бериш маркази” ДУК директори

Б.Пайшанов




Вилоят ҳокимининг
2020 йил “29” январдаги
151 -сонли қарорига
2-илова

**Ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи
коэффициентлар**

I. Худудий зоналар коэффициенти – (Кз)			
№	Худудлар номи	Зоналар	Коэффициент
1	Самарқанд шаҳар	1	3
2	Фарход шаҳарчаси Кимёгарлар шаҳарчаси Сўлим шаҳарчаси (Хишрав МФЙ)	2	2
3	Каттакўрғон шаҳар	3	2
4	Туман марказлари	3	2
5	Туман қишлоқлари	4	1,5
II. Бинонинг қурилиш тури бўйича коэффициенти – (Кк)			
2.1	Алоҳида турган бино		1,5
2.2	Бинога тақаб қурилган		1,4
2.3	Бинонинг устки қисми, чердак, болахона		0,9
2.4	Ярим ертўла, ер тўла		0,7
2.5	Бетонлаштирилган (асфальтланган) иншоотлар		0,8
III. Туташиб кетган худуддан фойдаланиш коэффициенти (Кк)			
3.1	Ер майдони мавжуд бўлганда		0,8
IV. Тижорат мақсадида фойдаланишда қулайлик коэффициенти – (Ко)			
4.1	Асосий қатнов йўлларида жойлашганда		0,6
4.2	Иккинчи даражали транспорт қатнови йўлларида жойлашганда		0,5

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 10-бандига мувофиқ, мол-мулкнинг бошқа турлари учун ижара тўлови ставкасини ҳисоблашда, агар ижарага топширилаётган мулкдан амалда фойдаланилган муддат, ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлмаса ёки ушбу муддатда тенг бўлса, ёки амалда фойдаланилган муддатни аниқлаш мумкин бўлса – мол-мулк тикланиш қийматининг 30 фоизидан, агар ижарага топширилаётган мол-мулкдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлса – мол-мулк тикланиш қийматининг 20 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ижрочи: Вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси
 Э.Ашуров

“Самарқанд вилоят Давлат мулкни ижарага бериш маркази” ДУК директори
 Б.Пайшанов